O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 14 февраль, №32 (3306) Шанба

## ЙИЛ САБОҒИ

***Вилоятларда 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотлар боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда ўтган хўжалик йили мобайнида қандай имкониятлар бой берилгани, бундан буён йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик учун нималар қилиш лозимлиги хусусида сўз юритилмоқда.***

### ЖИЗЗАХ

Ўтган йили вилоятда ялпи ички маҳсулот ҳажми 107,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 114,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 112 фоизга ўсди. Чакана товар айланиши, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳам анча яхшиланди. Солиқ ва тўловларнинг бюджетга тушуми режаси 645 миллион сўмга ошириб бажарилди.

Иқтисодиётда нодавлат секторининг улуши саноатда 98,6 фоизни, қишлоқ хўжалигида 99,9 фоизни, маиший хизматда 98 фоизни, савдода юз фоизни ташкил этгани қувончлидир. Бу кўрсаткичларни жойларда фермерлик ҳаракати ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга эътибор кучаяётгани билан изоҳласа бўлади. Аммо вилоятда хусусийлаштириш дастури атиги 62 фоизга бажарилгани билан асло келишиб бўлмайди. Қишлоқларда шартнома интизоми пастлигича қолмоқда.

Йиғилишни вилоят ҳокими У. Яманқулов бошқарди. Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иқтисодий ислоҳотларнинг боришидаги камчиликларни жиддий танқид қилди. Аввало, ерни тақсимлашда ўзибўларчиликка йўл қўйилганини таъкидлади. Нотиқ, шунингдек, вилоятда бюджет маблағларини асоссиз сарфлаш ҳоллари мавжудлигига бир қатор мисоллар келтирди. Жиззах чўли шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқларини тиклаш бўйича аниқ вазифалар қўйди. Банкларнинг кичик бизнес ҳамда хусусий корхоналарга кредит беришдаги фаолиятини жиддий яхшилаш зарурлигини айтди. Йиғилишда қўйилган ҳар бир вазифа унинг иштирокчиларида катта масъулият сездирсагина амалий натижалар беришини таъкидлади.

Фаоллар йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### САМАРҚАНД

***(ЎзА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ).***

Йиғилишни вилоят ҳокими Р.Холмуродов бошқарди.

Вилоятда иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши таъминланмоқда.

Саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 2002 йилга нисбатан 11,1 ва 6,8 фоизга ўсган. Ташқи савдо айланмаси 145,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ютуқлар билан бир қаторда вилоят иқтисодининг ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликлар ҳам мавжуд. Бу, аввало, саноат соҳасида яққол кўзга ташланмоқда. Ички бозорни ўрганиш, харидоргир ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш суст кечмоқда. Натижада кўпгина корхоналарда 2002 йилга нисбатан кам маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Йиғилишда фермер хўжаликларининг фаолиятини жонлантириш борасида ҳам қатор муаммолар мавжудлиги таъкидланди. Айниқса, шартнома интизоми қониқарсиз аҳволда.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов иштирок этди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

***(ЎзА мухбири Л.СУВОНОВ).***

Йиғилишни вилоят ҳокими К.Тўлаганов бошқарди.

Ўтган йили вилоятда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилди. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми анча ортди.

Пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш борасидаги чора-тадбирлар самараси ўлароқ, аҳоли даромади 4,2 фоизга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган кредит миқдори 14 фоизга ўсди.

Лекин иқтисодиётни ислоҳ қилишга доир масалалар тўлиқ ечимини топгани йўқ. Жойларда шартнома интизоми, деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштираётган маҳсулотларни қайта тайёрлашнинг амалий тизими яратилмаган. Хўжалик бошқарувида маъмурий буйруқбозлик тўла барҳам топгани йўқ.

Капитал қурилиш соҳасида ҳам ислоҳотлар суст бораётгани, пудрат ва лойиҳалаш ишлари кўнгилдагидек эмаслиги қайд этилди. Ижтимоий-иқтисодий соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилди. Жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси, мавжуд камчиликларни бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

### ФАРҒОНА

Анжуманда вилоят ҳокими Алишер Отабоев, сўзга чиққанлар Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида, хусусан, Юртбошимиз маърузасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар жиддий таҳлил қилинганини алоҳида таъкидлашди.

Мамлакатимиз пахтачилиги тарихида ўзига хос ўрни бор вилоятда, ўтган йили шартнома шартлари 63,6 фоиз миқдорда бажарилди, холос. Биргина пахтачиликдан аграр сектор 5 миллиард сўм зарар кўрди. Шартномада кўрсатилган пахта етказиб берилмаганлиги туфайли хазинамизга 60 миллион доллардан зиёд ноёб маблағ тушмади. Анжуманда ҳақли равишда таъкидланганидек, соҳадаги қолоқлик айрим раҳбарлар, ҳокимларнинг лоқайдлиги, қолаверса, соҳага оид қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ўлда-жўлда бажарилаётгани оқибати бўлди.

Айниқса, фермер хўжаликлари муаммоларига алоҳида урғу берилди. Ўтган йили фермерлар шартномада кўзда тутилганига нисбатан 44 минг тонна кам пахта етиштиришди. 32 та фермер хўжалиги шартнома имзолаганига қарамай бирор килограмм ҳам пахта сотмаган, 72 та фермер хўжалиги эса пахта тайёрлаш режасини бешдан бир қисминигина бажарган, холос.

Йиғилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар дастури қабул қилинди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## «Кварц»нинг экспортбоп маҳсулотлари

*Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти жамоаси бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш ташкилотларини турли ҳажм ва қалинликдаги ойналар, аҳолини эса 20 турдан зиёд шиша идишлар билан таъминламоқда. Айни чоғда корхона маҳсулотлари экспортга ҳам чиқарилмоқда. Хусусан, ойна ва шиша идишлар Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларига жўнатилаяпти.*

**СУРАТДА: ойна пиширувчи Расулжон Мирзақодиров.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## БОШ ПРОКУРАТУРАДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг 2003 йилги фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни мамлакатимиз Бош прокурори Р.Қодиров бошқарди.

Мажлисда прокуратура органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратаётгани таъкидланди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда қонун устуворлигини таъминлашга доимий эътибор бериб келинмоқда. Бунда шартнома интизомини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш, биржалар фаолияти ва капитал қурилиш соҳаларида, паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантиришда қонунийликни таъминлашга қаратилган тадбирлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Прокурор назоратининг муҳим йўналишларидан ҳисобланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишлар кучайтирилди.

Қўлланилган 18 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари асосида аниқланган қонунбузилишлар бартараф этилди.

Прокуратура органларида фуқароларни қабул қилишга, ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этишга катта эътибор берилмоқда.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни прокуратура органлари томонидан изчиллик билан амалга ошириш бўйича талаблар қўйилди.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

**Б.НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

### *Маърузани ўқиб*

*Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасини фарғоналик фермерлар кўтаринки руҳда, манфаатдорлик ҳисси билан ўқиб чиқдилар. Буни улар суҳбат асносида очиқ-ойдин эътироф этишди.*

## «Бюрократик тўсиқлар барҳам топгай!»

### — дейишмоқда фарғоналик фермерлар

**Ҳамзаали ИМОМАЛИЕВ, Ўзбекистон туманидаги «Обиджон Алиев» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, фермерлик ҳаракатида ҳозирнинг ўзида анчагина муаммолар ҳам мавжуд. Кредит олишда гаровга қўйиш механизми охиригача пухта ишлаб чиқилмаган. Кўп ҳолларда фермерлар мансабдор шахсларнинг лоқайдлигига, бюрократик тўсиқлар ва тамагирлик ҳолатларига дуч келмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, айрим раҳбарлар бизни фермер бўлганлигимизга пушаймон ҳам қилдириб юборишмоқда. Ариқ тўла сув бўлса ҳам, унга охирида навбат тегади. Ҳатто бекор турган техникани сўраб борсангиз, йўқ ердаги баҳоналарни ўйлаб топишади. Агар қонуний ҳақимизни талаб қилсак, «закончи», «бетгачопар»га чиқаришади. Масалан, биз 21 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз. Асосан пахта ва буғдой етиштирамиз. Бултур хўжалик раҳбарлари 8 қути ипак қурти боқасизлар, деб туриб олишди. «Биз пиллакор эмасмиз. Озуқа — тут дарахти йўқ» десак, «Айтганимизни қилмасаларинг, моддий ресурслардан мосуво бўласизлар» деб туриб олишди...

**Абдупатто СУЛТОНОВ, шу тумандаги «Шопатто» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Президентимиз маърузаларини «зангори экран» орқали диққат билан тинглаб, энди бюрократик тўсиқлар барҳам топишига ишонч ҳосил қилдим. Мен дунёдаги ривожланган мамлакатлар фермер хўжаликлари иш услублари, тажрибалари билан яқиндан танишиб чиққанман. Уммон ортига ташриф буюрган, у ерда тажриба ўрганган фермерлар билан ҳамсуҳбат бўлганман. Бу мамлакатларда деҳқон етиштирган маҳсулотни тайёрловчилар, қайта ишловчилар даланинг ўзидан ташиб кетишади. Керакли асбоб-ускуналар, ёнилғи-мойлаш материалларини эса фермер даласига етказиб беришади. Биз ёнилғи учун ҳафталаб, ўн кунлаб омборларга қатнаймиз. У ердаги димоғдор раҳбарлар бизни кўришгани ҳамоно тўнларини тескари кийиб олишади. Юртбошимиз шу масалага тўхталиб, «Ҳалигача қишлоқда, бир томондан, фермерлар ва деҳқонлар етиштирадиган маҳсулотларни шартномавий нархларда сотиб оладиган, иккинчи томондан, қишлоқ аҳлига зарур товарлар, асбоб-ускуналар етказиб берадиган инфратузилма тармоғи яратилмаган», деб таъкидлади. Агар шундай инфратузилма яратилиб, механизм ишлаб кетганида эди, биз беҳуда югур-югурлар ўрнига бевосита дала ишлари билан шуғулланардик. Вақтимизни, билимимизни мўл ҳосил етиштиришга сарфлардик.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Набижон СОБИР**
**суҳбатлашди.**

### Пойтахтимизда



## МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Н.ЎЛЖАБОЕВ).***

"Маҳалла" хайрия жамғармасида оммавий ахборот воситалари учун брифинг бўлиб ўтди. Мазкур тадбир 2003 йил ноябрь ва декабрь ойларида маҳаллаларда фуқаролар йиғини раислигига (оқсоқол) ўтказилган сайлов натижаларига бағишланди.

"Маҳалла" жамғармаси бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев мамлакатимиздаги маҳаллалар фаолияти ҳақида сўзлади.

Ўзбекистонда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда муҳим демократик институтлардан бири бўлган маҳалланинг аҳамияти катта. Маҳалла жамиятнинг бир бўғини сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилади.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 9789 маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органидан 8203 тасини маҳаллалар ташкил этади. Ўтган йил ноябрь ва декабрь ойларидаги фуқаролар йиғини раислигига бўлган сайловда 8360 оқсоқол ва уларнинг 80 мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов мамлакатимизда маҳалла оқсоқолларини сайлаш жараёни ҳақида гапирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов иштирок этди.

### Жойлардан хабарлар

#### *Тарози ўрнига компьютер*

**Пахтаободдаги "Қўқонқишлоқ" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бош корхонаси ва унинг жойлардаги қабул шохобчаларида пахтани тарозидан ўтказишда компьютер тизими жорий этилди. Андижондаги "Бекэлектронес" радиоэлектроника ишлаб чиқариш корхонаси мутахассисларининг ташаббуси асосида яратилган лойиҳа ҳозирданоқ кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. "Cotton Net" дея номланган янги технология бир вақтнинг ўзида ҳам чигит, ҳам тола тортиш жараёнини назорат қилиш ва ҳисобга олиш имконини беради.**

**Энди пахта тозалаш корхоналаридаги барча тарозилар ягона компьютерга боғланади. Эътиборли томони, компьютер барча маълумотларни ўнлаб йиллар давомида ўз "хотира"сида сақлайди.**

**Ўз мухбиримиз.**

**«Бухоро шаҳрида "Ташаббус — 2004" кўрик-танлови ўтказилди. Унда йигирмадан зиёд тадбиркору ишбилармон, ҳунарманд ўзаро беллашдилар» дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири А. Кудратов.**

#### *«Ташаббус — 2004»*

**"OFS" хусусий фирмаси раҳбари Олим Фозилов "Энг яхши тадбиркор" йўналиши ғолиби бўлган бўлса, наққош Николай Анисимов энг яхши ҳунарманд деб тан олинди. Кулол Замира Жўраевага "Энг яхши тадбиркор аёл" бўлиш бахти насиб этган бўлса, "Қалдирғоч" хусусий корхонаси раҳбари «Энг ёш тадбиркор» сифатида танловнинг пешқадамлари бўлишди.**

**Энди улар ўз йўналишлари бўйича танловнинг вилоят босқичида беллашадилар.**

### *"Халқ сўзи" назоратида*



## Мақола ўрганиб чиқилди

Газетамизнинг ўтган йили 14 октябрь сонида эълон қилинган "Самарадорлик кимга ёки нимага боғлиқ?" сарлавҳали мақолада Қашқадарё вилояти, Миришкор туманидаги айрим ширкат хўжаликларининг 2001-2003 йиллардаги молия хўжалик фаолияти таҳлил қилинган эди. Мазкур мақола юзасидан Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари А.УСМОНОВ имзоси билан келган расмий жавобда қуйидагилар таъкидланган.

*"Мақолада билдирилган фикрлар ва кўтарилган долзарб масалалар тўғри ёритилган. Ҳақиқатан ҳам, ишбилармон, фидойи раҳбар бўлган хўжаликда самарадорлик юқори, маҳсулот таннархи эса паст бўлиши аниқ. Шу маънода "Жейнов" ва "Миришкор" ширкат хўжаликлари раҳбарлари олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бироқ, шунга қарамай, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Муаллиф ана шуларга эътиборни қаратгани бизнинг бундан кейинги амалга ошириладиган ишларимизга асос бўлади. Қолаверса, йиллик ҳисобот йиғилишида мақолада таъкидланган муаммоларни кўриб чиқиб, улар юзасидан чора-тадбирлар белгилаш назарда тутилмоқда. Мазкур мақола барча хўжаликларда ўрганиб чиқилди".*

## Экинзор яйлов эмас!

Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларнинг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинганига бир ойдан ошди. Бу қарорда чорва молларининг экинзорларни пайҳон қилгани учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солиниши белгилаб қўйилган. Айни чоғда ҳужжатда экинзорларни пайҳон қилиш оқибатида келтирилган зарар айбдор шахс ҳисобидан қопланиши ҳам уқтирилган.

Бироқ Поп туманидаги Қўштепа қишлоғида яшовчи фуқаро Мирзоҳид Мўйдинов, гарчи ўзи пудратчи бўлиб ишласа-да, ҳамкасбларининг меҳнатини қадрламайдиганлар тоифасидан экан. Туман ички ишлар бўлими ходимлари унинг тўрт бош молини «Ганж» фермер хўжалиги ғаллазорини пайҳон қилаётган паллада ушлаб олишди. У «Навбаҳор» маҳалласи фаоллари иштирокида муҳокама этилгандан сўнг уятдан бошини кўтаролмай қолди.

### *Қарор ва ижро*

Шу билан бирга, Мирзоҳид 0,35 гектар майдондаги майсаларнинг пайҳон қилингани оқибатида келтирилган зарар — 35600 сўм жаримани ҳам қуртдай санаб берди. Мингбулоқ туманидаги Олтинкўл қишлоғи фуқароси К. Исматованинг ножўя иши эса унинг ҳамёнига 14000 сўм зарар келтирди. Бундай мисоллар анчагина. Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари посбонлари ўтган даврда 160 га яқин шундай ҳолатларни аниқлаб, айбдорларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўлладилар.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд ғаллазорлар атрофида салкам 300 та назорат маскани ташкил этилиб, 1200 нафардан кўпроқ дала қоровули сафарбар этилган. Улар далаларни назорат қилиш билан бирга, аҳоли турар жойлари, меҳнат жамоаларида учрашувлар уюштириб, тушунтириш ишларини ҳам олиб бормоқдалар.

Ҳа, бугун кимнингдир бепарволиги туфайли ғалла майдонларининг пайҳон қилиниши эртага яратилажак ботмон-ботмон ҳосилни йўқотиш демакдир. Масалага шу жиҳатдан ёндашиб, далалардаги ризқу рўзимизни асраб-авайлаш барчамизнинг вазифамиз бўлмоғи керак.

**Қудратилло НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## *Яна икки Олимпиада йўлланмаси*

**Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида милтиқдан ўқ отиш бўйича Осиё чемпионати вакилларимиз учун омадли келди. Қитъанинг энг кучли 200 га яқин спортчилари иштирок этган биринчиликда 6 нафар мерганимиз керакли очколарни жамғаришга эришдилар. Жаҳон чемпионатларининг совриндори Вячеслав Скоронов кичик калибрли милтиқда машқларни бажаришда қитъанинг тенгсиз спортчиси эканлигини исботлади ҳамда Афина Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди. У, шунингдек, пневматик милтиқдан ўқ узишда чемпионатнинг кумуш медали билан тақдирланди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда Алёна Аксёнова юртимиз спортчилари орасида Олимпиада йўлланмасига эга бўлган 32-спортчига айланди. Алёна қитъа чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади.**

**Куала-Лумпурдаги Осиё биринчилиги бугун якунланади. Мутахассисларимизнинг айтишича, қолган спортчиларимизда ҳам Олимпиада йўлланмасини олишга имкониятлар бор.**

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Халқ сўзи

### Ислоҳот қирралари

***Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида, умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолати ва биринчи навбатда уларнинг моддий базаси қониқтирмаслигига алоҳида урғу бердилар. Хўш, ана шу муаммоларни бартараф этишнинг қандай йўллари бор?***

# Сармоядор мактаблар

Касбилик халқ таълими ходимларининг бу борадаги тажрибалари билан танишгач, аниқ бир хулосага келдик. Агар тадбиркор раҳбар жамоага бош бўлса, ўқув-тарбия ва мактабларни таъмирлаш ишлари, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш — буларнинг барчасини мактабнинг ўз сармояси ҳисобидан амалга ошириш мумкин экан.

Касби туманида 53 та мактаб бор. Уларнинг ҳаммаси иқтисодий бақувват.

Мактабларга нисбатан «иқтисодий бақувват» жумласи ишлатилаётганлиги бироз ғалатироқдир, аммо уларнинг ҳар бири алоҳида ишлаб чиқариш корхонаси билан тенглаша олади. Мактабларнинг ўз ҳисоб рақами, маблағи бор. Бу билим даргоҳларида бугунги кунда кўпчилик қишлоқ мактабларига хос муаммоларни учратмайсиз. Ўқувчиларнинг замонавий талаблар асосида билим олишлари учун барча шарт-шароит бор. Уни эса мактаб жамоасининг ўзи яратаяпти.

Чекка қишлоқда жойлашган Файзулла Хўжаев номли 25-мактабнинг синфхоналари пол қилинмаган эди. Мактаб ўз агроучасткасида терак етиштирди. Бугунги кунга келиб, теракларнинг олди иморатбоп бўлиб қолган. Мактабнинг дурадгорлик цехида терак ёғочларидан тахта ясалиб, синфхоналарнинг ҳаммаси пол қилиб чиқилди. Буни эса меҳнат ўқитувчиси ўқувчилар билан бирга амалга оширди. Теракларнинг қолган қисми арзон нархда аҳолига сотилмоқда. Шунингдек, бу ерда ганчкорлик ишлари ҳам бажарилаяпти. Ишбилармонлик, тадбиркорлик, замонга қараб иш юритиш деб шуни айтадилар-да.

Мирзо Турсунзода номли 40-мактаб эса ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўз ҳисобидан билим даргоҳини газлаштирибди. Ўқувчилар ҳозир иссиққина синфхоналарда билим олишаяпти. Нима ҳисобидан дейсизми? Мактабнинг 2 гектарга яқин боғи, иссиқхонаси бор. Иссиқхонада қишин-ёзин кўкат етиштирилади. 35-мактаб ёрдамчи хўжалиги ва боғида етиштирилган маҳсулотлар эвазига компьютер сотиб олибди. 10-мактабда эса аълочи ва жамоатчи ўқувчилар, изланувчан ўқитувчилар учун пул мукофоти жорий этилибди. Бу билим даргоҳининг ҳам 1 гектар ери бор. Узум, ўрик, олма етиштиради, помидор экади. Дурадгорлик цехида сандиқ, эшик, ром, бешик, турли ўтирғичлар ишлаб чиқарилади ва арзон нархда сотилади. Ҳам ўқишда, ҳам ишда илғор, фикри теран, дунёқараши кенг, ўз мустақил фикрига эга бўлган мактаб ўқувчиларига ҳавас қилса арзийди.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгилари мактабларга кириб келаётгани кўнгилни қувонтиради. Бугун улар бошқалардан ёрдам кутмайди ёки имкони йўқ деб қараб ўтирмайди. Масаланинг яна бир томони — ўқувчилар тайёр касб-ҳунар эгаси ҳам бўлиб етишаяпти. Биргина 25-мактабни мисол қилиб оладиган бўлсак, ўқувчилар ҳам боғбон, ҳам уста-дурадгор, ҳам ганчкорлик санъатини пухта эгаллаган усталар десак муболаға қилмаймиз. Ёшлар меҳнат дарсларидан ташқари, дарсдан кейин ҳам қолиб, устахоналарда шуғулланишади. Ҳасан Ҳамроев номли 20-мактабда кулолчилик тўгараги ташкил этилган. Ана шу кичик бир тўгаракнинг мактабга келтираётган фойдаси анча-мунча.

2-, 8-, 15- мактабларда эса оҳак ишлаб чиқариш цехлари бор. Аҳолидан ташқари, ташкилотлар, хўжаликлар ҳам мазкур мактаблардан оҳак сотиб олишади. Чунки бошқа жойларда 1 килограмм оҳакнинг нархи 50 сўм бўлса, мактабларда 30 сўм. Оҳак тайёрлаш учун ортиқча харажатлар сарфланмайди. Касбидаги Майманоқ тоғидан оҳактош олиб келинса, буёғи меҳнат билан тайёр бўлади.

Маълумки, Майманоқ бодомлари Қашқа воҳасида машҳур. Бозорда эса бодомнинг нархи фалон пул. Шунга яраша бодом кўчатларига ҳам талаб катта. Шуни ҳисобга олиб, Майманоқ хўжалиги ҳудудида жойлашган 4-мактаб ўз ҳовлисидаги қўшимча ерда бодом кўчати етиштиради ҳамда терак экиб, сотади. Бундан ташқари, Сайидо Насафий номли хўжаликдан 3 гектар ер олиб, полиз экинлари экишни ҳам йўлга қўйган. Шуларнинг фойдаси ҳисобидан мактаб учун қўшимча бино, ошхона, буфет қуришди.

— Мактабнинг вазифаси фақат таълим-тарбия бериш деб қараш эмас, балки замон талабидан келиб чиқиб, иш юритиш керак, — дейди мактаб директори Шуҳрат Тошмуродов. — Эътибор беринг-а, ахир томорқамизда қаричдай ер бўлса ҳам фойдаланамиз. Ери бўлмаган мактабнинг ўзи йўқ. Лекин қаровсиз ётади. Нима учун улардан фойда олиш мумкин эмас? — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Р. Муртазоев. — Ишни тажриба сифатида «районо»нинг ўзида устоз-шогирд мактаби ташкил этишдан бошладик. Парта, стул, болалар боғчалари учун ўтирғичлар ясадик. Ўзим ўргатдим. Мактаб инвентарлари таъмирлаб берилди. Футбол дарвозаси учун тўр тўқилди, кейин барча мактабларга бердик. Оҳак цехи ташкил қилдик.

Ишлар юриша бошлагач, ҳар бир мактабга ишлаб чиқариш цехи ташкил этиши шарт қилиб қўйилди. Шундан сўнг тажриба оммалашиб, қизиқиш кучайиб кетди.

Ҳозир ўқувчилар байроқ, мактаб формаси тикишаяпти, гилам тўқишаяпти. Аксарият мактабларда қубба йўнадиган дастгоҳлар бор. Чиройли нақшлар солинган эшик, ромларни, шкафларни кўрсангиз, уларни ўқувчилар ясаганига ишонгингиз келмайди. Касби тумани мактабларида дарслик муаммо эмас. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул дарслик билан таъминланади. Спорт жиҳозларини ҳам ўзлари сотиб олишаяпти.

Албатта, бундай имконият, шарт-шароитга эга мактабларда таълим-тарбия ишлари кўнгилдагидек эканлигига, тажрибали, ташаббускор, жонкуяр муаллимлар қўлида ҳунарли, ўзига ишонган, соғлом фикрли, билимдон, юртпарвар ёшлар улғаяётганига шубҳа йўқ.

**Санобар БОЙМУРОДОВА.**
**Қашқадарё вилояти.**

## Навоийхон солиқчилар

Тошкент Солиқ академиясида «Алишер Навоий — миллий маънавиятимиз даҳоси» мавзуида адабий-бадиий тадбир ўтказилди.

Талабалар шоир ғазалларидан намуналар ўқиб, унинг ҳаёти ва ижодига оид саҳна кўринишларидан лавҳалар намойиш қилдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, Ўзбекистон халқ ҳофизи Алижон Эркаевларнинг иштироки кечага янада катта завқ бағишлади.

**Зарифа МУҲИДДИН қизи.**
**Солиқ академияси «Таҳририят - нашриёт» бўлими муҳаррири.**

## Қувада қулупнай пишди

Бундан беш йил аввал «Қувамебель» масъулияти чекланган жамиятида иссиқхона хўжалиги ташкил этилган эди. Ҳозир хўжаликнинг ойнаванд далалари ҳудуди 3 гектардан ошди. Қишда ҳам ёздагидек пишиқчилик аримайдиган хўжалик «дала»ларининг 5 сотихига қулупнай экилди. Гарчанд қулупнай иссиқсевар ўсимлик бўлса-да, янгича шароитга тезда мослашди. Чилги ҳосил мебелсозларнинг янги йил дастурхонига тортилган бўлса, айни кунларда ҳам бинойидек ҳосил йиғиштириб олинаяпти.

Илгарилари қиш ойларида қулупнай жанубий ўлкалардан олиб келинар эди. Энди Қувада ҳам қулупнай пишибди, дейишса ишонаверинг!

**Ўз мухбиримиз.**

# ХАТЛАР сўзлайди

ГАЗЕТХОН

## Кўз ҳам, кўнгил ҳам чароғон

*миннатдорчилик билдиради*



Тошкент вилояти кўз касалликлари шифохонаси раҳбарлари, ходимларини ҳар қанча алқасак кам. Боиси — кўзи ожиз, ёр-дўстлар дийдоридан бебаҳра Р.Юнусов, С.Шодиев, М.Рашидова каби ўнлаб беморларни бу ерга яқинлари қўлидан етаклаб олиб келган эдилар. Уларнинг кўпчилиги ёруғ оламни кўришга, ўзларини даволаган шифокорлар билан юзлашиб, ташаккур айтишга муяссар бўлдилар. Биз, даволанувчилар бу маскан ходимларидан миннатдормиз, зотан, улар беморларга қайтадан кўз нури ато этишаяпти.

**Иброҳим ИСМОИЛОВ.**
**Тошкент шаҳри.**

## Ўйчи ўйлагунча...

*танқид қилади*



Маҳалламиз Регистон майдонидан икки чақирим нарида жойлашган. Бир неча йил бўлаяпти, табиий газ тақчиллигидан қийналаяпмиз. Кўмиру ўтиннинг нархи осмонда. Бир неча идораларга айтдик, ёздик. Фойдаси бўлмади. Ўйчи ўйлагунча, таваккалчи ишини битирар, деганларидек, охири сизларга мурожаат қилаяпмиз.

**Хайри ШАРИПОВА**
**ва бошқалар.**
**Самарқанд тумани.**

## Ўзи бору номи йўқ

Қишлоғимизнинг номи Бекобод. Аммо обод сўзининг амалдаги исботини бу ерда учратиш қийин. Сабаби — қишлоқда ўндан ортиқ кўча ва йўллар бўлиб, улар ҳануз номланмаган. Аҳоли тоза ичимлик суви ўрнига очиқ сув ҳавзаларидан фойдаланади. Табиий газни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Бу каби ҳолатлар билан ҳеч кимнинг иши бўлмаса, муаммолар қачон ечимини топади?



**Қишлоқ аҳли номидан**
**Маҳмуджон АБДУБАННО ўғли.**
**Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани.**

## Аҳвол ўзгарса эди...

Ўтган йили Сайҳунободга бордим. Туманда ўзгаришлар катта. Равон кўчалар, кўркам иморатларни кўриб кўзим қувнади. Шунда ўзим бир пайтлар ишлаган мусиқа мактабига боргим келди. Бир неча йил бурун мактаб қандай ночор аҳволда бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича турибди. Барча ерда ободончилик, бунёдкорлик ишлари кетаётган бир пайтда тегишли мутасаддилар мактабга эътибор беришмаганидан хафа бўлиб қайтдим.

*ёрдам сўрайди*



**Эргашали ТЕШАБОЕВ.**
**Марғилон шаҳри.**

## 24 хил бош кийим



*Пойтахтдаги «Йўлдош Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» ҳиссадорлик жамиятида аҳолининг талаб ва истаклари асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, ўтган йили маҳсулот тайёрлаш ҳажми 2002 йилдаги кўрсаткичга нисбатан салкам 106 фоиз ўсди, бош кийимларнинг тури кўпайиб, сифати яхшиланди. Ҳозир эса жамоада 24 хил андозадаги маҳсулот тикилмоқда.*

**СУРАТДА:** тикувчи Маъмурахон Турғунова.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# Замон интилганга боқади

*Президентимизнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси ҳамюртларимизда катта қизиқиш уйғотди. Қуйида улардан айримларининг фикрларини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.*

### Фикр

**Эшмирза НУРМАТОВ, Самарқанд меъморчилик ва қурилиш институти доценти:**

— Президентимизнинг мамлакатимизда ўтказилаётган маъмурий ислоҳотлар ҳақидаги фикрлари бугунги кунимизнинг энг долзарб масалаларидандир. Негаки, ҳозир қай бир қишлоқ тумани ҳокимидан чорвачилик ё деҳқончилик масаласини сўрасангиз, у столи тортмасидан тайёр маълумотномани олиб, чорва моллари туёқ сони қанчага кўпайганию чиқим қанча бўлганини аниқ айтиб беради. Мабодо «Туманингизда вояга етмаган болалар қанчани ташкил этади? Уларнинг таълим-тарбиясию саломатлиги ҳақида нима дея оласиз?» дея савол берсангиз, ўйланиб қолиши мумкин.

Демоқчиманки, ислоҳотларнинг маъмурий тузилмаларда ўтказилишини ҳам ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Буни чорвачилигу деҳқончилик эътибордан четда қолади, дея тушунмаслик керак. Мулк ўз эгасини топса, эскича муносабатлар ўрнини бозор механизмлари, иқтисодий таъсир ва рағбатлантириш омиллари эгаллайверса, мулкдорлар фаолият доирасини кенгайтиришга интилади. Пировардида ислоҳотлар инсон учун эканлиги амалда ўз исботини топади.

**Солижон ТЎЛАНОВ, Пахтаобод туманидаги «Зангиота» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида ер эгалари ҳақида гапириб, «Фермер дегани — бу, аввало, универсал қобилиятга эга инсон» дея жуда ўринли фикрни айтди. Ўзимдан қиёс: юридик ва техник олий маълумотга эга эканлигим фаолиятимда ниҳоятда қўл келаяпти. Юртбошимиз яна бир аччиқ ҳақиқатни – хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ишлашда, маъмурий идоралар билан муносабатларда фермерлар ҳақ-ҳуқуқи камситилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бунга кўп ҳолларда ўзимиз ҳам айбдормиз, деб ўйлайман. Чунки аксарият сафдошларимизнинг ҳуқуқий савияси паст. Ўзаро суҳбатларда «Банк пул ўтказмабди» ёки «Пул йўқ экан» деган гапларни айтиб қолишади. Шунда уларга савол бераман: «Нимага энди банк тадбиркорнинг эмас, тадбиркор банкнинг ортидан югуриши керак? Ахир, хизмат кўрсатгани учун у банкка ҳақ тўлаяпти-ку?»

Айтишингиз мумкин, кейинги пайтларда банклар ўртасида рақобат муҳити шаклланди деб. Лекин ҳаёт бу ҳали етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Менимча, тадбиркор ўз фаолиятида қонунни асос қилиб олиши шарт.

**«Халқ сўзи» мухбири Худойберди ЭШМАНОВ ёзиб олди.**

# Сохталикнинг умри қисқа

*Спирт, алкоголли ва акциз солиғи солинадиган бошқа хил товарлар ишлаб чиқариш ҳамда сотишни тартибга солиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар маълум самаралар бераётир. Бироқ, шунга қармай, мазкур соҳадаги ишларни изчил давом эттириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.*

### Назорат

Республика солиқ тизими ходимлари бу борада асосий юк ўз зиммаларига юклатилганини ҳисобга олиб, рейд ва қисқа муддатли текширувлар кўламини янада кенгайтирмоқдалар, ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши ўт очмоқдалар.

... Каттақўрғон шаҳар деҳқон бозорида савдо-сотиқ тушга бориб қизийди. Салима Мадалиева ҳар куни бир сумка қўлбола арок ва 20 литр этил спиртини одамлар билан гавжумлашган пайтда бозорга олиб чиқаради. Нархини унча кўтармайди. Шу боис ҳам бозори чаққон. Сумкаси бўшаши биланоқ яна цех томон югуради.

Бугун ҳам у мўмай пул ишқида пештахтага қўлбола ароқларни териб қўйиб эндигина савдони бошлаганди, солиқчилар рейди бошланиб қолди. Ароқлар яширин цехда тайёрлангани шундоққина билиниб турарди. Шишалар тоза ювилмаган, елимланган акциз маркалар бир хил рақамли, ёрлиқларининг бири тоғдан, бири боғдан. Ароқлар истеъмолга яроқлилигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Пировардида калаванинг учи «Вокзал» кўчасидаги ташландиқ омборхонага келиб туташди. Қўлбола цех шу ерда жойлашган экан. Антисанитария ҳолатида тайёрланган ароқ одам организмини заҳарлаши, кўзни кўр, оёқни шол қилиши турган гап. Текширув давомида бир хил рақамли акциз маркалар, қопқоқлар, «Зарафшон», «Андижон», «Кристалл» ароқларининг ёрлиқлари, ҳозиргина сотувга тахт қилиб қўйилган 20 шиша ароқ, турли хил мосламалар рўйхатга олинди.

Шу куни Хайри Ражабовнинг хонадонида очилган ароқ цехига ҳам қулф урилди. Солиқ хизмати ходимлари ўтказган текширув жараёнида антисанитария ҳолатида этил спиртидан тайёрланган 80 шиша «Самарқанд» ёрлиқли ароқ, 440 та қопқоқ, 86 та қалбаки акциз маркаси, ясама ичимликлар тайёрлашда фойдаланиладиган мосламалар далилий ашё сифатида олинди.

Ароқ цехи ёнидаги хоналардан бири қўлбола дори-дармонлар ҳозирлашга мослаштирилган экан. Солиқчилар бу хонани ҳам ғалвирдан ўтказишди. Шунда 2 литр йод эритмаси ва у қуйиладиган 1287 та флакон, 350 грамм йод кристали, яна бошқа хомашё ва мосламалар топилди. Хайри опа аёл боши билан шунча ишга қўл ургани солиқчиларни ҳайрон қолдирди.

Иштихон тумани солиқчилари ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда яқинда «Самарқанд — Иштихон» йўналиши бўйлаб қатнаётган машиналарни бир-бир кўздан кечириб, фуқаро Раббим Абдиев бошқарувидаги «КамАЗ» автомашинасини тўхтатганларида, ғалати манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Машина юкхонасига 6464 шиша акциз маркали ва 332 шиша акциз маркасисиз «Зарафшон» ароғи ортилган эди. Уларни пулга чақсангиз, 6,5 миллион сўмликдан кам чиқмайди.

Яқинда Тошкент шаҳар солиқ хизмати ходимлари «Карвонбозор» бўйлаб рейд ўтказишганида, автомашиналар тўхташ жойида 51 шиша акциз маркасисиз ароқни очиқчасига сотиб ўтирган фуқаро А. Ҳамидов қўлга тушди. Бу ароқлар қаерда тайёрлангани номаълум эди. Яккасарой туманидаги «Каримахон» хусусий фирмасига қарашли омборхона ходими Ш. Тоиров ҳам 120 шиша акциз маркасисиз ароқни енг ичида 120 минг сўмга пуллаётган вақтида савдоси синди.

Ҳужжатсиз ва шубҳали ичимликлар йўлига ғов қўйиш ниятида бошқа туманларда ҳам мунтазам рейд ва текширувлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда Сирғали туманидаги «Ким Пен Хва» бозори ёнида акциз маркасисиз ва ҳужжатсиз 54 шиша ароқни сотувга чиқарган М.Азизова, «4-Сирғали» мавзесида 355 шиша қўлбола ароқни уриб пуллаётган Б. Ғафурова қўлга тушди.

Нукуслик ароқфуруш Тозагул Хўжаметованинг ҳам бу гал омади юришмади. У ўзи ёллаган юк машинасида Қўнғирот шаҳрига 4980 шиша ҳужжатсиз ароқ олиб кетаётганида тўхтатилди. Солиқчилар ҳушёрлик қилмаганларида, қандай шароитда тайёрлангани номаълум ароқлар кўпчилик саломатлигига хавф солиши табиий эди.

Тошкент вилояти солиқ хизмати ходимлари хуфя иқтисодиётга қарши кураш кўламини кенгайтириб, ўтган йили 95 та яширин цехни фош этган эдилар. Цехларнинг бири Ангрен шаҳар 5/3-даҳадаги гаражда фуқаро Талғат Телегенов томонидан ташкил этилган экан. У «Ўзбекистон мусалласи» ёрлиғини шишаларга елимлаб, виносимон суюқлик қуйиб чиқаришни ўзлаштириб олган экан.

Қирқ ёшга кириб қуйилмаган Талғат шу зайл қанча одамнинг соғлиғига зиён келтираётганини ўйламасди. Яхшиямки, солиқчилар яширин вино цехини вақтида фош этдилар. 52 шиша тайёр винони сотувдан тўхтатдилар.

Паркент шаҳри бўйлаб ўтказилган рейдда яна бир винофурушнинг қилмишига чек қўйилди. М. Бобоев кўчасида истиқомат қилувчи С. Маҳкамов уй шароитида тайёрланган мусалласнинг ҳар шишасини 350 сўмдан пуллаб келаётган экан. Шу куни яширин цехдан 85 дона ёрлиқ, 36 литр вино, қопқоқлар, чала ювилган шишалар, вино тайёрлаш ва қуйишда ишлатиладиган мосламалар далилий ашё сифатида олинди.

Рейдлар давомида бошқа хил ҳуқуқбузарликлар ҳам аниқланмоқда. Вилоят солиқ хизмати ходимлари кейинги ойларда 14 та яширин ёғ цехи фаолиятига барҳам бердилар. Уларнинг бири Бўка туманидаги «Бўстон» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Т. Ҳусаиновнинг молхонасида очилган эди. Сохта тадбиркор электр токини электродвигателга рухсатсиз улаб, чигитдан ёғ олишни йўлга қўйибди. Текширув куни цехдан 1050 килограмм кунжара, 100 килограмм чигит, махсус мосламалар далилий ашё тарикасида рўйхатга тиркалди. Бекобод тумани, «Ғалаба» ширкат хўжалигида яшовчи А. Қурбонов ташкил этган яширин ёғ цехи фаолияти ҳам тўхтатилди. Цехда 15 килограмм тозаланган ёғ, 250 килограмм чигит, 150 килограмм кунжара борлиги аниқланди.

Қўлбола маҳсулот саломатлик кушандаси эканлигини, наҳотки, сохта тадбиркорлар билишмаса?! Ёз бўйи пахтага сепилган кимёвий моддалар чигитда сақланиб қолиши ҳеч кимга сир эмас-ку. Чигитдан олинган ёғ уй шароитида қанчалик тозаланмасин, барибир, кимёвий моддалар унинг таркибида сақланиб қолади ва организмни секин-аста кемириб бораверади. Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, «Савжирон» ширкат хўжалиги аъзоси Муродилла Эгамбердиев буни билса ҳам ўзини билмасликка олиб, қўлбола ёғ цехи очганди. Лекин узоққа боролмади. Унинг ноқонуний фаолиятига тезда чек қўйилди.

Бундай ҳолатларни кўриб ҳайрон бўласан, киши. Тадбиркорликнинг тақиқланмаган турлари билан шуғулланиш учун кенг йўллар очилган ҳозирги пайтда ноқонуний хатти-ҳаракатларга қўл уриш кимга фойда-ю, кимга зиён?! Тадбиркорликка иштиёқингиз бор экан, марҳамат, унинг қонуний турлари билан шуғулланиб, элюртга наф келтиринг, топилган луқмани ҳалоллаб енг.

***Жасур НОСИРОВ,***
***Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.***

ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, ИСТЕЪМОЛЧИЛАР, МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА !



Шу йилнинг 23-27 февраль кунлари

Тошкент, Самарқанд, Қарши, Наманган, Урганч шаҳарларида доимий фаолият кўрсатувчи минтақавий кўргазма-савдо ярмаркаларида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги», «Ўзчармпойабзали» уюшмалари, бошқа жамият, корхоналар ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган кенг турдаги товарларнинг

баҳорги-ёзги мавсумий улгуржи-чакана

САВДО ЯРМАРКАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.







*Ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча енгил саноат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ва харидорлар таклиф этилади.*

| № | Шаҳарлар | Ярмарка савдоси ўтказиладиган манзил |
|---|---|---|
| 1. | Тошкент | Янги бинода — Навоий ва Фурқат кўчалари кесишган чорраҳа («Хадра» майдони), «Халқ истеъмоли моллари Тошкент регионал ярмаркаси» МЧЖ |
| 2. | Самарқанд | Тошкент кўчаси, 15-уй, «Самарқанд улгуржи-чакана савдоси ярмаркаси» МЧЖ |
| 3. | Қарши | Ўзбекистон кўчаси, 184-уй, «Наргиза» МЧЖ |
| 4. | Наманган | Бобур шоҳкўчаси, 17-уй, «Лола» савдо комплекси |
| 5. | Урганч | Ўзбекистон кўчаси, 2-уй, «Урганч универмаги» |

Ярмаркага марҳамат !

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 139-10-93, 139-46-97.

860Н/315

*Бугун — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун*

# Довруғи дунё кезар



1697 йили «Шарқ кутубхонаси» қомусидаги «Бобур ёки Бобар» номли мақолада француз шарқшуноси Бартоламе Эрбало Моленли Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур тўғрисида илк бор француз китобхонларига маълумот берган эди.

1705 йилда эса «Бобурнома» Европа тилларидан биринчи бўлиб голланд тилида Витсен таржимасида чоп этилди ва шу тариқа илм аҳли Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк асари билан танишиш шарафига муяссар бўлди.

«Бобурнома» 1871 йили француз тилига таржима қилинди ва у таниқли бобуршунос олим Паве де Куртейл қаламига мансубдир. Мазкур таржима икки жиҳати билан диққатга сазовор: аввало, асл нусха тилидан бажарилганлиги ва иккинчидан, мукаммаллиги билан. Бу нашр Францияда шуҳрат топди, китобхонлар ҳурматини қозонди.

1980 йил Бобур Мирзо таваллудининг беш асрлигига атаб Парижда «Бобурнома»нинг янги французча таржимаси нашр этилди. 1985 йили эса унинг иккинчи нашри босмадан чиқди. Бобуршунослик тарихида катта аҳамиятга эга бўлган мазкур таржима таниқли француз олими Бакэ-Граммон қаламига мансубдир.

«Бобурнома»нинг зикр этилган таржимаси аввалги французча таржимада йўл қўйилган хато-камчиликларни инобатга олган ҳолда амалга оширилган ва мутахассисларнинг фикрича, мукаммал таржимадир. Ушбу таржима яна бир жиҳати билан аҳамиятлидир — унда турли бобуршунослик мактабларига мансуб қуйидаги олимлар томонидан сўзбошилар ёзилган: француз олими Луи Базен, ўзбек бобуршуноси Сабоҳат Азимжонова, ҳинд олими Муҳибул Ҳасан ва афғон олими Абдулҳай Ҳабибий.

1810 йили немис шарқшуноси, сайёҳ ва олими Юлиус фон Клапрот томонидан «Бобурнома»даги Фарғона баёни немис тилига таржима қилиниб, «Осиё адабиёти, тарихи ва тилшунослиги архиви» китобида Санкт-Петербургда чоп этилди. 1828 йили Лейпцигда А. Кайзер томонидан Жон-Лейден, Уилям Эрскинларнинг инглизча таржимаси қисқартирилган ҳолда немис тилида нашр эттирилди.

Бобуршуносликни ривожлантиришда инглиз шарқшуносларининг хизмати ниҳоятда каттадир. Жон Лейден (1775-1811) тўлиқ бўлмаган ўзбек (туркий)ча қўлёзмадан «Бобурнома»ни таржима қила бошлайди. Ж. Лейден 1810 йилнинг кузида бетоб бўлиб ётиб қолади ва 1811 йилнинг кузида оламдан ўтади. Орадан бир неча йил ўтгач, у бажарган таржима бошқа бир шарқшунос — У. Эрскинга юборилади.

Эрскин ўз таржимасини Лейден бажарган таржима билан солиштириб кўради. Иккала таржима ўртасида жиддий фарқ борлиги маълум бўлади. Бунинг асосий сабаби — Лейден таржимани асл нусха тилидан, Эрскин эса форсчадан бажарганида эди. У иккала таржимани эҳтиёткорлик билан чоғиштириб чиқа бошлайди, ўз таржимасини Лейден таржимасига мослаштиришга ҳаракат қилади.

Шу тариқа,1826 йилда «Бобурнома»нинг Европадаги **биринчи тўлиқ таржимаси** дунё юзини кўради ва Лейден — Эрскин таржимаси сифатида шуҳрат қозонади.

Инглиз бобуршунослиги хусусида сўз кетганда, Ф. Тэлботнинг фаолиятига алоҳида тўхталиш керак. Олим «Бобурнома»нинг юқорида зикр этилган биринчи инглизча таржимаси асосида қисқартирилган нашрини чоп эттиради. Мазкур нашрга ёзган сўзбошида (1909 й.) у «Бобурнома»нинг аҳамияти ҳақида бундай дейди: «Ҳозирги Ҳиндистонни ўрганмоқчи бўлган одам ишни, энг яхшиси, Бобур хотираларини мутолаа қилишдан бошлагани маъқул». Тэлбот нашрининг аҳамиятини кўрсатиш учун бир фактни келтириш кифоя қилади. Ҳиндистоннинг давлат тили бўлмиш ҳиндий тили ва бошқа бир қатор ҳинд тилларига таржима қилиш учун «Бобурнома»нинг айнан шу нашри танлаб олинган.

«Акбарнома» Абулфазл Алломий (Шайх Абулфазл ибн Шайх Муборак) қаламига мансуб асардир. Бобурийлар тарихини ўрганишдаги мана шундай қимматбаҳо асарни Ҳенри Беверидж форс тилидан инглиз тилига ўгирган. Таржима устида олим йигирма йил ишлаган. Кези келганда шуни қайд этиш лозимки, чет тилларга аллақачон таржима қилиб бўлинган «Акбарнома» ва бошқа бир қатор муҳим асарларнинг ўзбек тилига ҳануз таржима қилинмагани таассуфланарли бир ҳолдир.

Беверидж хоним «Ҳумоюннома»ни инглиз тилига таржима қилади ва муҳим изоҳ-шарҳлар билан чоп эттиради. Бобур Мирзо вафотидан салкам 60 йил кейин ёзилган мазкур асар Ҳумоюн Мирзо ҳукмронлик қилган даврдаги (1530-1556 й.) Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон тарихига талайгина аниқликлар киритади.

Лейден — Эрскин таржимасидан кейин орадан чоракам бир аср вақт ўтган эди. Бу даврда бобуршунослик сезиларли даражада ривожланган, бобурийлар даврини ўрганиш бўйича бир қатор жиддий тадқиқотлар юзага келган.

Мана шуларни эътиборга олган ҳолда ва янги топилган қўлёзмани ўрганиб чиққан Беверидж хоним «Бобурнома»ни қайта таржима қилишга қарор қилади. Таржимани у ўн йил давомида тўрт бўлакка бўлиб чоп эттиради. Бу – «Бобурнома»нинг инглиз тилидаги **иккинчи тўлиқ таржимаси эди.** Мазкур таржима асарда бобуршуносликдаги ютуқлар ўз аксини топди. Илмий изоҳларнинг мўллиги ушбу нашрнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Академик В. Бартольд мазкур таржимага тез-тез мурожаат қилган. Баъзи ўринларда эса ундаги айрим ноаниқликларни ҳам кўрсатиб ўтган. Масалан, Фарғона водийсида мавжуд бўлган «Қубо» шаҳрининг номини А. Беверидж хато ўқигани, оқибатда унинг «Қабо»га айланиб кетгани, таржимон «Эски Ахси» шаҳрини йўқолиб кетган, деб нотўғри хулосага келганини қайд этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ҳиндистонда 300 йил давомида салтанат тебратган юртдошларимиз — Бобурийлар довруғи жаҳон кезаверади. Ошса ошадики, ҳеч қачон камаймайди.

**Ансориддин ИБРОҲИМОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

O'zLotto

«Ўзлотто» лотереяси 8-тиражининг
**ҲИСОБОТИ**

**Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган Телевизион, сонли «O'zlotto 6\40» лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.**

**Тушган шарлар номери кетма-кетлиги:** 14 36 7 31 8 30

**Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 7 февраль**

Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | 2 220 300 | 1 | 2 220 300 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 535 928 | 37 | 14 484 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 1 875 137 | 689 | 2 807 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 14 февраль куни ўтказилади.

Кейинги тиражнинг Жек-пот суммаси — **100 000 000 сўм**

«Мултилот» қўшма корхонаси

Тўкин ҳаёт сари!

*Сафардан кейинги ўйлар*

# Мисрга, эзгу ниятлар билан...

*Шу йилнинг январь ойи охирларида биз, Ўзбекистон зиёлиларнинг кичик бир гуруҳ вакиллари хизмат сафари билан Миср Араб Республикасида бўлдик. Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар зали раҳбари, санъатшунос Элмира Аҳмедова ва камина — оммавий ахборот воситалари вакили сифатида — гуруҳ аъзолари эдик.*

*Ушбу хизмат сафари Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси воситачилигида Тошкентдаги Миср Маданий маркази ҳамда Қоҳирадаги Хелвон университети раҳбариятининг ташаббуси ва таклифлари асосида, икки халқ маданий ҳамкорликлари доирасида амалга оширилди.*

*Сафар давомида гуруҳимиз раҳбари ва вакиллари олдига бир қатор хайрли вазифалар қўйилган эди. Яъни, аввало, буюк ватандошимиз, айни пайтда, ўз даврида араб маданияти ва илм-фанининг олий намояндаларидан бири сифатида дунёга танилган аллома Аҳмад Фарғоний бобокалонимизга Қоҳира шаҳрида ҳайкал ўрнатиш масаласини шу шаҳар раҳбарлари ҳузурида муҳокама қилиш, иккинчидан, Миср Маданият вазирлиги билан халқларимизни яқиндан ўзаро танишувларига хизмат қиладиган маданий кўргазмаларни ташкил этиш ва алмашиш шарт-шароитлари бўйича келишувга эришиш, шунингдек, Мисрнинг энг йирик давлат наш-ри бўлган «Ал-Аҳром» газетаси мажмуаси раҳбарлари билан ва Хелвон университетида ўқитувчилар ва талабалар билан учрашувлар ўтказиш керак эди...*

*Гуруҳимиз аъзолари ўз зиммаларига қўйилган вазифаларнинг масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда, эзгу мақсадлар билан Мисрга йўл олди...*



## Биз билган ва билмаган ўлка

Буюк Нил дарёсининг ҳар икки соҳилини ўзига мангу қароргоҳ қилган, деярли 5 ярим минг йиллик эҳромлари саҳролар оғушида савлат тўкиб турган Мисрни, бу кўҳна ва сеҳрли тамаддун диёрини кўрган киши ундан ҳайратланмаслиги ва беихтиёр мафтун бўлмаслиги мумкин эмас.

Мисрнинг 93 фоиз ерлари — Африка қуёшининг ўт-олов нафасида бағри кабоб бўлиб ётган саҳро, ҳудудсиз қумликлар. Нил атрофидаги атиги 7 фоиздан иборат сувдан баҳраманд ерларда Мисрнинг ўнлаб шаҳарлари ва қишлоқлари жойлашган. Бутун мамлакат мана шу улуғ сув бўйида тирикчилик қилади. Мисрнинг мозийдан қолган ёдгорликлари, эҳромлари ҳам дарёнинг ён-атрофларидаги ерларда. Қоҳира ёнидаги Гиза ясси тоғликларида қад ростлаган Миср эҳромлари дунёдаги «етти мўъжиза»нинг бири ҳисобланади. Сфинкслар, Луксор ёдгорликлари — бебаҳо тарихий мерослардир. Тарихда мисрликлар биринчилардан бўлиб ерларни сунъий суғоришни йўлга қўйганлар. Бу ерда ҳунармандчилик, илм-фан оламшумул даражада ривожланган. Оврупо, Осиё маданияти равнақига Миср тамаддуниятининг таъсири катта. Айни пайтда Миср тамаддуни Оврупо ва Осиё маданияти таъсиридан ҳам баҳраманд бўлиб шаклланган.

Қоҳира — Миср пойтахти ва мамлакатнинг энг йирик шаҳридир. Шаҳар атрофлари билан қўшиб ҳисоблаганда Қоҳирада салкам 16 миллион киши яшайди.

Қоҳира — қадимги ёдгорликлар, музейлар, замонавий маданият, маърифат, илм-фан, ҳунармандчилик ва тижорат шаҳри. Қоҳира музейи дунёдаги энг йирик ва машҳур музейлардан бири. Унинг бисотидаги атиги битта Тутанхамон хазинасининг ўзи дунёдаги ҳар қандай музей ҳавас қилса арзийдиган дурдоналардир. У — инсониятнинг бебаҳо тарихий бойлигидир.

Умуман, энг сўнгги маълумотларга қараганда, Миср аҳолиси 70 миллион кишидан иборат. Аҳолининг асосий кўпчилиги — араблар. Мамлакат аҳолисининг деярли 90 фоизи — мусулмонлар. Бошқа динларга, эътиқодларга бағрикенглик билан қараш, ўзаро эҳтиром — Миср мамлакатининг турмуш тарзига сингиб кетган. Бу ерда мусулмонларнинг ҳайит айёмлари билан бир қаторда насронийларнинг Рождество ва бошқа байрамлари ҳам кенг нишонланади.

Мамлакат миллий даромадининг асосий манбаларидан бири — туризмдир. Миср бу йўналишдан ҳар йили 3,5 миллиард АҚШ доллари атрофида соф даромад қилади. Дунёдаги тарихий ёдгорликларнинг олтидан бир қисми жойлашган Мисрга ҳар йили ўрта ҳисобда 5 миллиондан зиёд саёҳатчи ташриф этади.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатларда ишловчи мисрликлар ўтказадиган маблағлар (тахминан 3,0 миллиард АҚШ доллари), нефть экспорти (тахминан 2,0 миллиард АҚШ доллари) ва Сувайш каналидан фойдаланишдан (тахминан 1,9 миллиард АҚШ доллари) келадиган маблағ миллий даромадга киради. Мисрнинг ўзига яраша нефти, гази, пахтаси, тўқимачилик саноати, деҳқончилиги ва чорвачилиги бор.

Миср бошқа мамлакатлар билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатдор ҳамкорликка асосланган, дўстона ташқи сиёсат юритиб келмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Миср Араб Республикаси унинг мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этди. Икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланиб бораяпти. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига қилган расмий давлат ташрифлари пайтида ҳар икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг стратегик асослари белгилаб берилди. Мана шу асосда Ўзбекистон ва Миср ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик тобора фаоллашиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

## Маданият вазири ҳузурида

Миср Араб Республикаси маданият ишлари вазири Фориқ Абдулазиз Ҳусний жаноблари билан учрашув хизмат сафаримизда режалаштирилган асосий тадбирларнинг бири эди. Бу учрашувда маданият соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ва Миср Араб Республикаси Маданият вазирлиги ўртасида бевосита ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Суҳбат якунида ҳар икки мамлакатда турли мавзуларда кўргазмалар ташкил этишни амалий йўлга қўйиш масаласида келишиб олинди. Жумладан, Мисрда «Темурийлар даври санъати», Ўзбекистонда эса «Фиръавнлар хазинаси» номли кўргазмалар намойиш этилиши бу борадаги ҳамкорликда биринчи муҳим қадам бўлади.

Жаноб Ҳуснийга суҳбат давомида Турсунали Кўзиев «Хива» альбомини тақдим этди. Вазир Хива шаҳрининг ўзига хос меъморчилик ёдгорликлари рангли тасвирини маҳлиё бўлиб томоша қилди. Қадимий шаҳримизнинг тарихий аҳамиятли иншоотларини Мисрнинг эҳромлари сингари мўъжизалардир, деб таърифлади. Яна бир ҳолат: вазир жаноблари «Хиванинг анъанавий турар жойларини табиат ва инсоннинг уйғунлигидан гўзал далолат», деди. У Ўзбекистондаги тарихий-маданий мерос ва унинг замонавий санъати билан бевосита ватанимизнинг ўзига келиб чуқурроқ танишиш орзусида эканлигини айтди. Унинг ниятини хайрихоҳлик билан қабул қилдик. Фориқ Ҳусний аслида санъаткор, ёркин истеъдодли рассом. Унинг мўйқалами билан битилган, бири-биридан гўзал асарларни кўпгина мамлакатларда билишади. Жумладан, жорий йилнинг ўзида Ф. Ҳусний асарларидан иборат хусусий кўргазмалар АҚШда, Швейцарияда ва бошқа бир қатор мамлакатларда намойиш этилиши режалаштирилган. Вақти келиб, бизнинг юртдошларимиз ҳам бу вазир ва атоқли араб рассоми асарлари билан бевосита танишсалар, ажаб эмас.

## Авлодларни чорлаган бобокалон

Тарихнинг олтин ҳақиқатларидан бири шуки, ўтмишда араб маданияти ва илм-фанининг оламшумул шуҳрат қозонишида бизнинг, яъни ўзбекистонлик алломаларнинг ҳиссаси ҳам бебаҳо бўлган. Тарих тақозоси билан улар Оврупода ва бошқа минтақаларда «Араб олимлари» деб тушунилган. Бундай дейилишининг асосий сабабларидан бири — улар ўз дурдона асарларини араб тилида битганлиги, албатта.

Мисрдаги замонавий энциклопедик китобларда ўрта асрларда ислом оламидаги номдор алломаларнинг деярли 40 фоизи келиб чиқишига кўра Марказий Осиёдан эканлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Шу билан бирга, биз юқорида эслаб ўтган энциклопедик маълумотлардан араб дунёсидаги кенг жамоатчилик тўла хабардор, деб бўлмайди. Миср Фан ва таълим марказининг ходими Аҳмад Закийнинг изоҳлашича, 90-йилларгача Миср аҳолиси Ибн Сино, Ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аз-Замахшарий каби бизга ватандош алломаларни мутлақо араб олимлари, деб билиб келганлар. Мамлакатимиз ва тарихимизга доир ноаниқ тасаввурларга бу ерда ҳамон дуч келишимиз мумкин. Масалан, Искандария кутубхонасида бўлганимизда бобокалонимиз Ҳаким ат-Термизийнинг қадимий қўлёзмасини араб маданиятининг энг нодир асарларидан бири сифатида бизга ғурур билан кўрсатдилар. Биз, табиийки, хурсанд бўлдик. Шу билан бирга, кутубхона ходимларига Ҳаким ат-Термизий бизнинг ватандошимиз эканлигини айтганимизда, ниҳоятда ажабландилар...

Ҳозирги кунда, албатта, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ўсиб бориши таъсирида араб дунёсида биз тўғримиздаги тасаввурлар аста-секин ўзгариб бораётгани ҳам шак-шубҳасиздир. Жумладан, буюк алломамиз Аҳмад Фарғонийнинг асли Ўзбекистондан эканлиги араб зиёлилари доирасида анча кенг маълум.

Бизнинг бу ўлкага сафаримиздан кузатилган асосий мақсадлардан бири ҳам икки халқ тарихида ва илм-фанида шарафли ўрин тутган ана шу сиймога бағишлаб Миср пойтахтида ҳайкал ўрнатиш масаласини ҳал этиш эди.

Қоҳира шаҳрининг ҳокими жаноб Абдураҳмон Шиҳота билан суҳбатда шу масала муҳокама мавзуи бўлди. Шиҳота жаноблари учрашган заҳотимиздаёқ ниҳоятда самимий, кўнгли очиқ, дилкаш инсон сифатида бизда илиқ таассурот қолдирди. Аллома томонидан яратилган сув ўлчагич иншоотини 1150 йилдан буён ўз бағрида сақлаб келаётган Нил дарёси соҳилида Аҳмад Фарғоний ҳайкали ўрнатилишининг катта аҳамиятини таъкидлади. Дарҳол, ўз котибиятига Аҳмад Фарғоний ва унга ўхшаш бошқа Марказий осиёлик ўтмиш алломалари тўғрисида батафсилроқ маълумот йиғишни топширди.

Томонлар Аҳмад Фарғоний ҳайкалининг шакли, у ўрнатиладиган манзил ва мазкур тадбир билан боғлиқ бошқа масалаларни тезроқ ҳал этиш фикрини билдирдилар.

Шу ўринда диққатга сазовор айрим далилларни эслаб ўтайлик, Миср маданияти ва илм-фани намояндаларидан 4 киши халқаро Нобель мукофоти соҳиблари экан. Бунинг устига, араб мамлакатларидаги деярли барча университетларда мисрлик профессорларни учратиш мумкин...

Мана шу далиллар таъсирида беихтиёр хаёлингда шундай фикрлар уйғонади: ҳа, бу ўлкада ўтмишдаги қудратли маданият ҳақиқий ворисларига эга. Бугунги араб маданияти ва фани намояндаларини ўтмишдаги буюк алломалар руҳи қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, уларга Аҳмад Фарғонийдай буюк бобокалонларимиз ибрати доимо йўл кўрсатиб турибди.

Шиҳота жаноблари ва Миср маданият вазири Фориқ Ҳусний жаноблари ўзаро учрашувларда яна бир диққатга сазовор таклифни изҳор этишди. Улар Миср пойтахти Қоҳирани Ўзбекистоннинг биронта шаҳри билан бирадарлаштириш ҳамда бу шаҳарларнинг кўчаларига икки халқ илм-фани, маданияти ва адабиёти арбобларининг номларини бериш мамлакатларимиз ҳамкорлигини ривожлантиришда муносиб тадбир бўлишини айтдилар. Шу ўринда мамнуният билан эслаб ўтгимиз келадики, Қоҳирадаги кўчалардан бири ҳозирнинг ўзида буюк аждодимиз Ибн Сино номи билан аталиб келинмоқда.



Делегациямиз аъзолари Қоҳирадаги Хелвон университетида ва унинг Луксор шаҳридаги санъатшунослик факультетида ҳам бўлиб, университет раҳбарлари, илмий кенгаш аъзолари ва талабалар билан учрашувлар ўтказди.

Хелвон университети Мисрнинг энг нуфузли ва йирик олий таълим муассасаларидан биридир. Университетнинг асосий қисми Қоҳира четида жойлашган бўлиб, унинг 8 та факультети 250 гектар майдонни эгаллаган. Қолган факультетлар шаҳарнинг бошқа қисмида. Университетнинг Луксордаги санъатшунослик факультетини ҳам бамисоли алоҳида олий ўқув юрти дейсиз, у йирик таълим шаҳарчасини эслатади. Хелвон университетининг ўзи эса бутун бошлиқ мажмуага эга шаҳардай. Энг замонавий техник жиҳозларга эга 4 қаватли маҳобатли кутубхона, йирик спорт мажмуаси, хиёбонлар, қизлар ва йигитлар учун ўнлаб талабалар уйлари. Талабаларнинг кўпчилик қисмини қизлар ташкил этади. Университетнинг экологик масала бўйича проректори, доктор Абдулла Хонафийнинг айтишича, улар саводсизликни тугатиш бўйича давлат дастурини амалга оширишга



алоҳида эътибор беришмоқда экан. Университетдаги яна бир йирик илмий йўналиш мамлакатда экологияни яхшилаш, чиқит ва ахлатларни қайта ишлаш муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ. Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, Миср ўқув юртлари, идоралари ва корхоналарида экология бўйича алоҳида раҳбарлик лавозими бор. Негаки, экология, атроф-муҳит тозалиги Қоҳира ва Мисрдаги бошқа шаҳарларнинг энг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бундай ҳолат эса экология билан шуғулланувчи кадрларга эътиборни кучайтиришни тақозо қилмоқда...

Учрашувларимиз пайтида икки халқнинг тарихий-маданий алоқалари, ҳозирги кунда таълим, маданият соҳаларида Мисрда эришилган ютуқлар, бу йўналишларда ўрнатилган ҳамкорлик тўғрисида суҳбат бўлди.

Суҳбат давомида буюк аллома Аҳмад Фарғоний тўғрисида гап кетар экан, университет ректори қизиқ бир таклифни ўртага ташлади. Аввало, ректор Аҳмад Фарғонийга Мисрда ҳайкал қўйилиши ғоятда ўринли бир тадбир эканлигини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, у буюк аллома сиймоси ўзбек ҳайкалтарошларининг биронтаси томонидан ўлмас ёдгорликларга асос бўлган Миср тошларида ўйиб гавдалантирилса, бундай ҳайкал бамисоли Миср эҳромларининг ўзидай мангуликка қоладиган яна бир ёдгорлик бўлишини айтди. Ажойиб таклиф. Жиддий ўйлаб кўришга арзийди.

Хелвон университетида ва унинг Луксордаги санъатшунослик бўлимида делегациямиз раҳбари Турсунали Қўзиев Ўзбекистон ва Миср маданий ҳамкорлик алоқаларининг тарихи ва ҳозирги куни тўғрисида маърузалар ўқиди. Бу маърузалар университет раҳбарлари ва талабаларида жиддий қизиқиш уйғотди. Турсунали Қўзиев Хелвон университетининг фахрий докторлигига сайланди. Бу, албатта, бизлар учун қувонарли бир воқеа бўлди.

## «Ал-Аҳром» — тўртинчи эҳром

Юқорида айтганимиздай, Қоҳирадаги Гиза ясситоғликларида олис мозийнинг тош қотган тилсимлари — Миср эҳромлари савлат тўкиб турибди. Уларнинг учтаси жаҳонга машҳур.

Мисрдаги «Ал-Аҳром» газетасини эса ҳазилу чин аралаш одамлар «Тўртинчи эҳром» деб аташади. Бундай мутойибага газетанинг «Ал-Аҳром» (яъни «Эҳром») деб аталганлиги ҳам сабаб, албатта. Лекин яна бир муҳим сабаб, бу — «Ал-Аҳром»нинг Миср Араб Республикаси ва бошқа араб давлатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган маҳобатли ўрни, мавқеи ҳам бўлиши мумкин.

«Ал-Аҳром» ўзининг 127 йиллик тарихи мобайнида умуман араб дунёсининг энг обрўли газеталаридан бирига айланган. Шу кунларда бу газета бир миллионга яқин нусхада чоп этилмоқда. «Ал-Аҳром»нинг 20 га яқин хорижий давлатларда ўз махсус мухбирлари ишлаб турибди. Уни «Нашрлар мажмуаси» деб атасак ҳам бўлади. Асосий газетадан ташқари «Ал-Аҳром»нинг турли мавзуларга ихтисослашган бир нечта махсус нашрлари — газета ва журналлари бор.

Делегациямиз аъзолари «Ал-Аҳром» газетасининг бош муҳаррири ва шу номдаги мажмуа мудирлари кенгашининг раиси, жаноб Иброҳим Нофий билан мулоқотда бўлди. Суҳбат давомида ушбу нуфузли нашр саҳифаларида Ўзбекистон ҳақида бевосита биринчи манбаларга таянган ҳолда мақола ва хабарлар эълон қилиш масаласида ҳам келишиб олинди. Бундай холис ахборот, ўз навбатида, мамлакатимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар жараёни билан Миср халқи ва бутун араб дунёсини холисона таништиришда муҳим омил бўлади, албатта.

Айни пайтда суҳбат пайтида «Ал-Аҳром»нинг Миср ҳаётига оид хабарлари Ўзбекистоннинг «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этилиши бўйича ҳам келишилди.

Учрашувда ҳар икки давлат газеталарининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириб бориш билан боғлиқ бир қатор бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.



*Сўзимиз ниҳоясида миннатдорчилик билан шуни айтишимиз керакки, Ўзбекистон вакилларининг Мисрдаги турли учрашув тадбирларини уюштиришда ва уларнинг муваффақиятини таъминлашда мамлакатимизнинг Мисрдаги элчиси Солиҳ Иноғамов ва унинг маслаҳатчиси Р. Баҳодировнинг хизматлари салмоқли бўлди. Делегация аъзоларининг фаолияти «Ал-Аҳром» ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилди. Сафар давомида келишилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши икки халқнинг маданий алоқалари ривожига муносиб улуш бўлиб қўшилиши, шак-шубҳасиздир.*

**Аббосхон УСМОНОВ.**

*Ҳажвчига бир савол*



# «Фикрнинг каттаси бизда»,

### дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдухолиқ Мамарасулов

**— Абдухолиқ ака, элимизнинг севган фарзандларидансиз, санъаткор бўлганингизга афсусланмайсизми?**

— Инсон йилга, кунга эмас, ҳатто ўтган дақиқасига ҳам ачинмаслиги, минг бор шукур қилиб яшаши керак. Мустақиллигимизнинг 13-йилида яшаяпмиз, етказганига шукур. Шу қисқа фурсатда қанчалар улкан ишлар амалга оширилмади, кўриб кўзларинг қувонади, эшитиб қулоқларинг яйрайди. Фақат битта-иккита нарсани ўзимча ўйлаб, умид қиламан. Хоҳлаймизми-йўқми, ҳаммамиз оз-моз бўлса ҳам порахўрмиз. Порани фақат олди-бердидан иборат деб ўйламанг. Масалан, мана, сиз. Ёмон бир мақолани ўқиб қолдингиз. Унинг муаллифига, "Э, расво нарса ёзибсан!" дейсизми? Йўқ. "Ке, қўй. Униям бола-чақаси бор. Қолаверса, эртага ўзимниям мақолам чиқади, уям мени танқид қилиб қолиши мумкин", деб унга ҳеч нарса демайсиз ёки аксинча, мақоласини мақтайсиз: Ана шу пора берганингиз бўлади, укажон. Ё, мана, яна бири: амалдорроқ одам ҳар қанча бемаъни ёки бемаза латифа айтса-да, қотиб-қотиб куламиз, қойил қолганимизни изҳор қилиб қўл ташлашамиз — пора берамиз. Ана шундай сохтагарчиликлар бўлмаса.



## Рассом хандаси




Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ чизган суратлар.

## 13-миллий чемпионатда 14 жамоа

Кеча Ўзбекистон футбол федерациясида 4 март куни бошланадиган футбол бўйича 13-миллий чемпионат ўйинларига қуръа ташланди. Аслида бу маросим ўтган ҳафтада ўтказилиши лозим эди. Лекин "Дўстлик" ва "Қўқон — 1912" жамоалари федерация олдидаги қарзларини тўламаганликлари боис, уларга бир ҳафта муҳлат берилганди. Бу муддат ичида ушбу футбол жамоалари молиявий имкониятларини ўнглай олишолмади. Хуллас, 13-миллий чемпионатда 14 та жамоа иштирок этадиган бўлди.

Қуръа натижаларига кўра, биринчи турда қуйидаги жамоалар бир-бирига қарши майдонга тушадилар:

"Насаф" — "Машъал", "Навбаҳор" — "Металлург", "Қизилқум" — "Сурхон", "Самарқанд-Д" — "Локомотив", "Сўғдиёна" — "Андижон", "Бухоро" — "Нефтчи", "Трактор" — "Пахтакор".

**Ўз мухбиримиз.**

*Сен борсанки*
*умр гўзал, диллар обод,*
*Келажакка чорлагучи*
*йўллар обод.*
*Паҳлавонга*
*айланажак полапоним,*
*Кўзларида дунё*
*кулган болажоним!*




# GURUNG

*Ўзбек адабиёти хазинасидан*

Ғафур ҒУЛОМ

## Хасис

Бизнинг қўшни Миркамол чорбозорчини Тошкенти азимда танимайдиган киши камдан-кам топилади. "Қисса ул-анбиё" китобида Ҳотамтой деган киши мардликда катта шуҳрат топгани ёзилган. Аммо бизнинг Миркамол бахилликда ном чиқарган.

Эр-хотин подачидан ош, гадойдан нон сўраб кун ўтказадилар. Фарзандлари йўқ. Ҳамсоялардан чиқадиган қўшни ош тамаида ҳовлиларининг уч томон деворидан туйнук очганлар.

Кунлардан бир кун хотини Замира-тоқи қабзият бўлганда эмчи кампир унга:

— Қатиқ ичинг, болам,— деган экан. Шунда бир стаканда қатиқ олинган эди. Шу қатиқ ачиб кетган бўлса-да, ҳали ҳам бор. Чунки Замира-тоқи стаканнинг сиртидан ялаб юрган.

Миркамол ҳафтанинг олти куни қишлоқ бозорларида санғиб, "ўсма кет, сурма кет" қилиб юради. Шанба куни Кўктеракда, якшанба куни Турватда, душанба куни Тўйтепада, сешанба куни Ўртасаройда, чоршанба куни Тошкентда, пайшанба куни Паркентда, жума куни Жумабозорда бўлади. Унинг бисотида ҳамма нарса бор. Лампа пилик, ўлдирилган симоб, ошиқни маъшуққа, маъшуқни ошиққа иситма-совутма дуо, игна, сақич, Маккаи сано, ҳар хил тумор, хун дори, эзиб ичкилар, мози, тишқоли, бурга дори ва ҳоказолар...

Деҳқонлар ўртасида ўз кўнглича табибгарчилик ҳам қилади. Зулук солади, қортиқ қўяди, қон олади, малҳам беради, сурги ичиради, симоб ютқизади. Хулласи, у "боққан" касаллар иккили: ё ўлади, ё қолади.

Шундай қилиб, у ҳафтада бир кун, атиги чоршанба кунигина уйида бўлади. Хотини Замира ҳафтанинг олти куни тор уйида ёлғиз қолади.

Кунлардан бир куни Замира-тоқи эрига йиғлаб шикоят қилди:

— Ҳой эр, сиз ахир эрмисиз, қора ермисиз, бу қуриган-қақшаган уйда ёлғиз қолавериб, жинни бўлай дедим-ку. Нима қилади, менга раҳмингиз келиб, бирор қўйми, танами олиб келсангиз? Ахир у ҳам тирик жон-ку. Ёлғизлигимда шуни боқиб, шу билан овуниб, йўқлигингизни, оз бўлса ҳам, унутсам.

Миркамол-қуруққа бу гап маъқул тушди.

— Дуруст,— деди у тиржайиб, — қолган-қутганларни, қўни-қўшнидан чиққан қовун пўчоқларни еб семирса, хийла даромад ҳам бўлар экан.

Миркамол-қуруқ гапида турди. Эндиги чоршанба ориқ бир шишак қўйни етти тангага олиб, хотинига келтириб берди.

Хотини ғоятда қувонди. Қўйни якка қозиқ қилиб, жазирама ҳовлининг ўртасига боғладилар. Миркамол қилган ишидан қувониб, чорбозорга қараб йўртиб қолди.

Замиранинг бахтига бу қўй ҳаром ўлгур тинимсиз маърар, ўқчиб-ўқчиб йўталар эди. Хумдаги қотган нон, кепаклар ҳадемай тамом бўлди. Қўни-қўшнилардан чиқадиган нишхўрдлар ҳам товсиллади. Қўй тинимсиз маърар, йўталар эди.

Бу бедаво тирик жондан Замиранинг ҳолига маймунлар йиғлайдиган бўлди. Келаси чоршанба эри келганда салом-аликдан ҳам илгари:

— Ҳой эр, сиз бу ҳайвонни мени ўлимимдан беш кун бурун гўрга тиқиш учун олиб берган экансиз, ҳозироқ йўқотинг, бўлмаса, ажрашамиз, отамникига кетаман, — деди.

— Сабр қил, — деди Миркамол-қуруқ, — бир иложини топармиз.

Ўша куни Миркамол йўл-йўлакай отасига Қуръон ўқиш учун Шиғзиддинбува мозорига кириб бунда белбоғ бўйи ўсган ўтларни кўрган эди. Шуни эсладию хаёли тез ишлади. Қўйни қозиқдан ечиб, мозорга етаклади. Тўғри гўрковга учрашди.

— Ассалом алайкум!

— Ваалайкум ассалом!

— Ука, — деди Миркамол гўрковга, — мен бефарзанд кишиман. Қариб қолдим. Ўлсам-нетсам, иншоолло, ўзинг кўмарсан. Илло, мендан хабар олиб, гўрков ҳақи тўлайдиган ворисларим йўқ. Мана шу қўйни менга қазийдиган гўр ва кўмиш харажатлари ҳақи учун ҳозирдан накд олиб қўй.

Бу гўрковга маъқул тушди. Фотиҳа ўқиб, рози бўлишдилар.

Орадан икки ойча ўтди. Яна бир фалокат билан мозорга йўли тушган Миркамол-қуруқ ўз қўйини кўриб қолди. Катта бўрдоқига айланиб кетибди. Оз деганда бир ярим пуд ёғи бор. Миркамолнинг хаёли яна тез ишлаб кетди. "Ия, — деди у, — шундай қўйни текиндан-текин ўлмаган жонимга қасд қилиб бировга бериб қўяманми, ажратиб олиш керак". Шошилиб бориб, гўрковнинг эшигини тақиллатди. Гўрков чиқди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом!

— Хизмат, келинг, Миркамол ака, тинчликми?

— Тинчлик бўлмай ўлсин, — деди Миркамол. — Қоплонбек қишлоғида бир қизамиқ чиққан болага ярим қошиққина симоб ичирган эдим, ўлиб қолибди. Шунга оқ пошшонинг ҳокимлари мени Тошкентдан Ўратепага бадарға қиладиган бўлиб қолишди. Бир сиқим тупроғим ўша ерда қоладиган кўринади. Мазам йўқ, қариб қолдим. Беш кунлигим борми, йўқми, қани юр, ука, юкингни танғи, бирга кетамиз.

— Қаерга, мен нима қиламан?

— Қаерга бўларди? Бадарғага, Ўратепага-да. Сен ахир, мени кўмишнинг удда кафилини олиб, хизмат ҳақингга қўй олгансан. Қаерда ўлсам, ўша ерга бориб кўмиб келасан.

— Вой-бў, қўйинг бошингни есин, кўтарил-э...

— Бўлмаса қўйни кўтар!

Гўрков семиз қўйни етаклаб чиқиб, Миркамол-қуруққа берди. Миркамол ғоятда мамнун. Ўз ақлига ўзи тасанно ўқир эди.

Миркамол-қуруқ қўйни сўйиб едими, сотдими, буниси бизга маълум эмас.

*Бу ажиб дунё*

### Панда Хитойга жўнатилади

**Сан-Диего (Калифорния штати) шаҳри ҳайвонот боғида бундан уч йил олдин туғилган панда яқин кунларда Хитойга жўнатилади. Гап шундаки, қабул қилинган халқаро битимга биноан дунёнинг қайси нуқтасида туғилишидан қатъи назар, панда уч ёшга тўлгач, ўзининг тарихий ватанига жўнатилиши шарт.**

### Самодаги рекорд

**Таиланднинг Накхан музофоти осмонида парашют спорти бўйича янги жаҳон рекорди ўрнатилди. 357 нафар ҳаво акробатлари парашютларини очмасдан соатига 200 километр тезликда пастга тушаётган пайтда Халқаро авиация федерацияси тасдиқлаган фигурани ясашга муваффақ бўлишди. Улар бир-бирининг қўл ва оёқларини ушлаган ҳолда 6 дақиқа ҳаракат қилишди. Ерга етишларига бир километр қолганда эса парашютларини очишди.**

**У. ДОЛИЕВА.**

# «Китобхонлик янги босқичда»

фельетон

Тайёргарлик худди ёв босиб келаётгандек жуда шошилинч бошланди. Ён-атроф супирилган, сувлар сепилган, маънавият хонаси ўтган йилдан буён очилмай захлаб ётган экан, деразалари ланг очилиб, ҳавоси янгиланган, ойнаси ярақлатиб артилган... Оҳ-оҳ, худди янги келин тушган ҳовлидек ҳаммаёқ чарақлаб кетди-я!

Директор Умар Узоқович энтикиб, шошилиб, кетма-кет буйруқлар ҳам бериб турибди:

— Ҳанифа, сен бир тоғора сомса тайёрлайсан!

— Домла...

— Бир тоғора деяпман!

— Ҳалима, биламан, норинни қийиб қўясан.

— Ахир...

— Қазини ёғлироғидан топтир.

— Устоз...

— Шоҳида, дарсни йиғиштир, бозорга югур!

Жисмоний тарбия муаллими оёғи чаққон бўлгани учун, шишаларнинг оқи-қорасидан келтирадиган бўлди. Рус тили ўқитувчисининг чекига котлет тайёрлаш тушди. Сўзга чиқиш учун гапга уста икки муаллима ажратилди.

Болалар китобхонлигига бағишланган кўргазмали семинар ўтаркан.

Уни ҳокимият ташкил қилаяпти экан.

Мактаблараро ўтиши шарт деб белгиланган экан.

Таклиф қилинганлар билан маънавият хонаси лиммо-лим тўлди. Шу мактаб муаллимларига, фойдали маслаҳатлардан маҳрум бўлиб қолмасликлари учун, дераза ортида туриб тинглаш ҳақида маслаҳат берилди.

— Меҳмонлар келишди! — деди қоровулда турган муаллим.

Бутун мактаб оёққа турди. Сафда турган ўқувчилар даста-даста гул топширдилар. Бу мактаб жамоаси, ким нима десину, аммо қарсак чалишга ғоят уста экан. Айниқса, директор икки қўлини боши узра баланд кўтариб, кафтини ҳовуч қилиб чалганида дилларни яйратиб юбораркан. Тумандаги мактаб директорлари қарсак чалиш бўйича баҳс бойлашиб қолишса борми, биринчи ўринни мана шу киши олишига ишонаверинг.

Меҳмонларга туман маънавият бўлими раҳбари Одил Усмонов бош бўлиб келган экан. Таништира бошлади. Ўрта бўй, дўмбоққина, қора қош, қора кўз йигит — фалсафа фанлари номзоди Муртазо Олимов экан. Унинг фалсафага оид асарларини чет эл мутахассислари кўзларига суртиб ўқишаётган экан. Жиккаккина, чўзиқ юзли, сариққа мойил, сочи макка сўтасининг попугидек юзларига ёпирилиб тушган йигитни Қамбар Қосим деб аташаркан. Руҳшунос, педагог, ҳам болалар китобининг тарғиботчиси экан. Қарангки, бу ёш олимни Англия, Туркия мамлакатларида жуда танишар экан. Руҳ илмидан ўша ерларга бориб гоҳо-гоҳо дарс ҳам бериб келаётган экан.

Қарсак чалишди.

Узоқ чалинди.

Маънавият бўлимининг раҳбари учинчи меҳмонни Жўра Жуман деб таништирди. Туманнинг ҳам атоқли, ҳам ардоқли шоири экан. Жўра Жуман ўз номини эшитиши билан шартта ўрнидан турди-да, негадир шу туман ҳокимини мақташга тушиб кетди. Э-ҳе, бунақанги китобхон, бунақанги болапарвар, бунақанги ҳақиқатчи, бунақанги адолатли инсон дунёга камдан-кам келаркан. Бу инсон туманнинг ҳам бахти, ҳам саодати экан.

Сўз кетидан сўз келар деганлари рост экан. Жўра Жумандан сўнг маърузага чиққан Муртазо Олимов ҳам чиройли сўзлар билан, ҳозир ёзиб олинса, кейинчалик эшитиб юрилса ҳам арзийдиган, чиройли сўзлар билан ҳокимни улуғлай бошлади.

— Ҳокимиятдан олган маълумотларимга қараганда,— маърузанинг асосий қисмига ўтди олим, — мактабларингда болалар китобхонлиги олий даражага кўтарилган. Офарин! Ҳар болага кунда қанча, ҳафтада қанча ўқиш белгилаб қўйилган. Офарин! Ҳар бир хонада синф кутубхонаси ташкил этилган! Офарин!

Офаринлар сони ўн иккитага етганда маъруза навбати гоҳо-гоҳо Туркия ёки Англияга бориб руҳ илмидан дарс бериб келаётган Қамбар Қосимга берилди. Қойил, чинакам руҳ илмининг билимдони экан: бола ёшлигида кўпроқ китоб ўқиса, қариганда керак бўларкан. Ётиб китоб ўқиш турган-битгани зарар экан. Юриб кетаётганда ўқишни таъқиқлаб қўйиш керак экан. Оғир китобни ўқимаслик, оғир таомни емаслик керак экан. Оғир китоб каллани, оғир таом ошқозонни оғритар экан. Китобни чала ўқиш овқатни бурун билан ейишдек гап экан.

— Офарин! Офарин! — деб қўллади уни файласуф олим.

Намунали кенгаш бошланганига икки соату ўн тўққиз дақиқа бўлганда ҳайъат аъзолари ўртасида тўсатдан пичир-пичир бошланиб қолди.

Меҳмонлар эрталаб нонушта қилишмаган экан. Кетма-кет келаётган таомлар совиб қолиши мумкин экан.

Меҳмонлар яна бир мактабга ўтишлари зарур экан.

— Тушлик масаласини овозга қўяман, — деди кенгаш раиси.

— Тезроқ қўйинг! — деди мактаб директори.

Овозга қўйилди.

Қаршилар йўқ экан.

Тушлик бошланди.

Ноз-неъмат мўллигидан столнинг бели синай деб турибди.

— Офарин! Офарин! — деди файласуф қафтларини бир-бирига ишқаб.

Ҳар ким ҳар нарса дейди-ку, аммо мана шу арoқ билан коньякнинг хосиятли томонлари ҳам бор экан. Биринчи қадаҳ кишилардаги бегонасирашни пасайтираркан, иккинчи қадаҳ кўнгилларни яқинлаштираркан, учинчи қадаҳдан сўнг кишиларда бир-бирларини ўпиш хоҳишини пайдо қиларкан.

— Офарин!— деб қўяди ўпишиш маросими бўлиб ўтгандан сўнг олим.

Жўра Жуманга Аллоҳ нодир истеъдод ато этган экан. Туман раҳбарлари уни ҳокимиятнинг бош қизиқчиси лавозимига бежиз тайинлашмаган экан. Вой, унинг гапга чечанлиги. Вой, унинг ичакузди латифаларга бойлиги.

— Норин тайёрлаган опани чақиринг! — деди ҳаяжонли оҳангда файласуф олим. — Мен ўша опанинг қўлларини ўпмоқчиман.

Меҳмон отангдек улуғ дейдилар.



Ўринларидан туриб опанинг соғлиғи учун ичишди.

Кейин... ўринларидан туролмай кўксиларини столга қадаб ичишди.

Шишалар бўшади.

Таомлар ейилди.

Олмалар арчилди.

Анорлар сўйилди.

Кейин... Бундай қарашса, семинар кенгашга келганлар аллақачон тарқаб кетишган экан. Кейин... Азиз меҳмонларга тўн кийдириш, ҳурмат-эъзоз билан машиналарга ўтқазиб, қўшни мактабга кузатиш маросими бўлди. Кейин... Дилбар Алиева деган аёл директор ҳузурига дарғазаб ҳолда югуриб кирди:

— Домлажон!

— Йиғламсирамай гапир, нима дейсан?

— Кутубхонамиз ёпилганига уч йил бўлди-ку!

— Хўш? — деректорнинг қоши пасту баланд бўлди.

— Унинг ўрнига пирашка цехи очиб бергансиз-ку? Бадиий китоб келмаганига ҳам уч йил бўлиб қолди-ку.

— Хўш?

— Айтинг-чи, қачон, қайси жойда синф кутубхонаси очганмиз?

— Ҳов, овсар, тушунсанг-чи, туманимизда кенг кўламда китобхонлик кампанияси кетаяпти.

— Домлажон!

— Нима сен ҳокимият белгилаган тадбирга қарши чиқмоқчимисан?

— Ахир?..

— Менга қара, нечта боланг бор?

— Бешталигини биласиз-ку.

— Шу ерда ишламоқчимисан?

— Вой, домлажон...

— Бор, гапни кўпайтирмай, пирашкадан кўпроқ сотиб, тўнларнинг пулини эгасига бериб қўй.

Кейин... Орадан тўрт кун ўтгач, туманда чоп этиладиган "Ҳақиқатчи" газетасида мана бундай хушхабар босилди:

*"Болалар китобхонлиги янги босқичда. Ҳокимият ва маънавият бўлими ташаббуси, ҳам бевосита иштирокида болалар китобхонлиги кун сайин авж олиб, янги-янги босқичларга кўтарилмоқда. Мактаб, жамоа ва ширкат хўжаликлари кутубхоналарида китоб ўқиш маданиятига оид анжуманлар, амалий семинарлар, қизиқарли баҳслар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай файзли анжуманлардан бири яқинда Хўжаободдаги ўрта мактабда бўлиб, унда олимлар, ёзувчилар, руҳшунослар, тажрибали кутубхоначилар иштирок этдилар. Куннинг биринчи ярмида болалар китобхонлигига оид бир неча назарий маърузалар тингланди. Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар секцияларга бўлиниб, ўзаро тажриба алмашдилар. Семинар охирида ушбу мактабдаги бой тажрибани нафақат туман миқёсида, балки вилоят мактабларига ҳам кенг ёйиш ҳақида келишиб олдилар.*

*И. ОХУНОВ, ўз мухбиримиз".*

Кейин... Кейин, ҳеч нарса бўлгани йўқ, эҳтимол, болалар китобхонлиги ҳақида бундай семинарлар ўтказиш вилоят бўйича авж олиб кетгандир.

Йўқ дейишмади.

Опа келди.

Лекин ўптирмади.

— Янаги сафар келганларингда, худо хоҳласа, бундан ҳам лаззатлироқ норин тайёрлаб бераман, — деди.

Қарсак чалишди.

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

БАНКРОТ БЎЛГАН

**«Янтак-Брит» ҚК**

*мулклари Тошкент шаҳар муниципал биржа марказида аукцион ва биржа савдоларига аввал қўйилган бўлиб, умумий қиймати 210 795 300 сўмга баҳоланиб, савдога қўйилмоқда. Манфаатдор шахсларни оммавий оферта воситасида «кимошди»*

САВДОСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Оферта бўйича таклифлар Тошкент шаҳар муниципал биржа марказида ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

Келиб тушган оферта бўйича таклифлардан энг юқори нархни таклиф қилган шахс билан «Янтак-Брит» қўшма корхонаси мулкининг олди-сотди шартномаси тузилади.

**Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази манзили: Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а уй, 402-хона.**

Маълумот учун телефонлар: 127-45-95, 133-20-74, 132-25-51.

65998/330

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институти жамоаси институт директори Ш. Шароповга опаси

**Муҳаббат ая ШАРОПОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси Қўнғирот минтақавий темирйўл узели бошлиғи К. Нуруллаевга волидаи муҳтарамаси

**ГУЛАЙ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Фонон» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси жамоаси Хива заргарлик заводи директори Фарҳод Мадримовга отаси

**Абдушарип МАДРИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 374. 33013 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Х. Эшманов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 23456